



ПАҲЛАВОН
МАҲМУД

РУБОИҲЛАР



رباعیات پہلوان محمود

پهلوان محمود

رباعیات

ПАХЛАВОН МАҲМУД

РУБОИЙЛАР

نسخه الکترونیک: خیرنامه کتابهای رایگان فارسی

نوروز ۱۳۹۶

کشریات ادبیات و صنعت بنام غفور غلام
تاشکند ۱۹۷۹

ҒАҒУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1979

Нашрга
тайёрловчи
ТУХТАСИН ЖАЛОЛОВ

خبرنامه کتابهای رایگان فارسی



ПАҲЛАВОН МАҲМУД

(Пурёйвалий)

Ўзбек шоирларининг адабий меросини излаб 1959 йил август ойида Хоразмга бордим. Мен кўпдан бери Хоразмни кўришга муштоқ ва хоразмликларнинг ўйноқчи куйларига, нафис рақсларига мафтун эдим. Шу сафаримдан фойдаланиб, бу кўҳна маданият маркази ва санъат ўлкасини чуқурроқ ўрганишга тараддуд қилдим.

Хива — осори атиқа шаҳри. Хивада кўп тарихий ёдгорликлар бор. Йўловчи ҳали шаҳарга етмасдан бешолти километрлик масофадан осмонпайванд миноралар, ложувард гумбазлар намоен бўлади. Булар ичиде энг муҳташам «Ҳазрат Паҳлавон» мақбарасидир. Биз ана шу кўркем мақбарага кирдик. Мақбара гумбази атрофида форс-тожик тилида бадий баркамол фалсафий рубонилар нақш қилиб, ўйиб ёзилган.

Айрим рубониларда Маҳмуд Пурёйвалий номи зикр этилган. Демак, бу ерда дафн қилинган зот «авлиё» эмас, мутафаккир шоир.

Хоразм тарихи музейига бориб «Ҳазрат паҳлавон» рубониларини суриштирдим. Музей илмий ходими наққош Абдулла Болтаев музейда Паҳлавон Маҳмуд ру-

П 70403 — 24
352(06) — 79 2 — 79

© Гафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979 й.

бойларидан иборат бир китоб борлигини айтди. Мен дарҳол бу китобни олиб кўрдим. Бу—Муҳаммад Раҳим II (шоир Фируз) кўчирган нусха экан.

Урганчга қайтиб келдим. Бу ерда бир хонадоида рубойларнинг яна бир нусхаси борлигини эшитдим. Дўстим Юнус Юсупов икковлашиб шу хонадоида бордик. У ерда эски китоблар орасидан Паҳлавон Маҳмуд рубойларининг яна бир нусхасини топдик. Бу нусхани 1946 йилда Ҳасан Мурод қори кўчирган экан. Дарҳақиқат, рубойлар жуда юксак савияда.

Тошкентга келиб, Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмаларини қидирдим. Бу фондда Паҳлавоининг бир эмас, икки қўлёмасини топдик. Худди шу кеча-кундузда бир аёл институтга бир китоб олиб келди. Бу — қўшиб муқова қилинган уч мустақил асар бўлиб, иккитаси авлиёлар ҳақидаги ривоятлар, учинчиси Паҳлавон Маҳмуднинг таржиман ҳолига оид «Ҳазрат Паҳлавон ҳикоялари» номли қўлёмадир.

Менинг Паҳлавон Маҳмуд адабий меросини қидириб юганимни эшитиб, муҳтарам олимларимиздан профессор Яҳё Фуломов бир қўлёмза тақдим этди, буида Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган уч юз ўттиз тўрт рубой бор.

Мана шу ҳужжатлар билан танишгач, бу борадаги маълумотни чуқурлаштирмақ ниятида тарих ва тазкираларни қидира бошладим. Чунки Паҳлавон Маҳмуддек забардаст шоир ҳақида тарих ва тазкираларда маълумот бўлмаслигига ақлим бовар қилмасди.

1299-ҳижрий (1881 йилда) Бомбайда нашр этилган «Оташкадан Озарий» номли машҳур Шарқ тазкирасида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида қуйидагилар ёзилган:

«Исми Паҳлавон Маҳмуд, Пурёйвалий лақаби билан шуҳрат топган, унинг паҳлавоилик овозаси оламини тутган, ўз асрининг яғонаси бўлган. Шеърятда қудратли, «Қанзул Ҳақойиқ» номли маснавийси бор. Кейинги

вақтларда тасаввуф мавзуида ёзган рубойлари анча яхши чиққан»¹.

Машҳур гурк олими Шамсиддин Сомибек ҳам «Қомусул аълом»нинг V ва VI жилдларида Паҳлавон Маҳмуд хусусида баъзи маълумотлар келтирган. «Қомусул аълом»нинг ҳар икки жилдида бир хил маълумот берилгани учун биз V жилддаги парчани кўчириш билан қаиоатланамиз.

«Паҳлавон Маҳмуд бўлиб, Хоразмнинг Урганч қишлоғидандир. Ёшлигида ўз кучи ва паҳлавоилиги билан фахрланиб юрди. Кейинги пайтларда тасаввуф тариқатида кўп риёзат чекиб, жисмоний заифлашган эди. «Қанзул Ҳақойиқ» номли маснавийси бор»².

1327-ҳижрийда Истамбулда нашр этилган «Туркларини улум ва фунуна хизматлари» номли китобда ҳам (автори Муҳаммад Тоҳир бини Рифъат) Паҳлавон Маҳмуд ҳақида сўз боради, лекин бу автор бирор янги нарса қўшмай, Сомибекнинг «Қомусул аълом»даги фикрларини такрорлайди.

Шарқ адабиётини жуда яхши билган Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тожик» китобида Паҳлавон Маҳмуднинг «Қомус» ва «Оташкада» тазкираларида келтирилган рубойларини кўчириб, «ўзи хоразмлик, лекин таржиман ҳолини билмадик» дебди.³

Профессор Яҳё Фуломовнинг «Памятники города Хивы» асари, ўз номидаи кўрииниб тургандек, тарихий ёдгорликларга бағишланган эса-да, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ҳақида сўз борганда, унда дафн этилган

¹«Оташкадан Озарий», 326-бет.

²Шамсиддин Сомибек. «Қомусулаълом», Жилд V, 3602-бет, Истамбул, 1896 йил.

³С. Айний. Намунаи адабиёти тожик, 117—118-бетлар. Москва, 1925 й.

шахсининг шоирлиги тўғрисида ҳам гапириб, мисол тариқасида бир-икки рубойини келтирган.

1958 йилда Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти машҳур рус олимлари Г. А. Пугаченкова ва Л. И. Ремпелнинг «Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана» номли китобини нашр этди. Бу китоб ҳам ўз исмидан кўриниб турибдики Ўзбекистоннинг меъморлик санъати тарихига бағишланган. Шу китобнинг «Гумбаз Пахлавана Махмуда» сарлавҳали бобида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида баҳс этиб, унинг шоирлиги хусусида қуйидагилар айтилган: «...Он и поэт известный под именем Пирияри Вали, подражавший в своих стихах Омару Хайяму»¹.

Тарих ва тазкира китобларида ўтмиш ва ҳозирги замон олимларининг Паҳлавон Маҳмуд ҳақида берган маълумотлари мана шулар, холос.

Бундан ташқари, Хива музейининг илмий ходими республика халқ рассоми, машҳур Хоразм наққоши Абдулла Болтаевнинг қўлёзма дафтарларида Хоразмнинг тарихий ёдгорликлари, жумладан, Маҳмуд Пурёйвалийнинг таржимаи ҳолига доир қимматли материаллар бор. Шунингдек, Хоразмда ёзилган қўлёзма бир манокибда (авлиёлар ҳақида китоб) Маҳмуд Пурёйвалийнинг ҳаёт йўли ҳақида диний ранг бериб ёзилган, лекин аслида шоир Маҳмуднинг порлоқ образини ифодалайдиган маълумотлар келтирилган. Ана шу манбаларга асосланиб, шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида қуйидаги мухтасар маълумотни ўқувчиларга арз этмоқ мумкин:

II

Шоирнинг отаси кўҳна урганчлик бўлиб, хотини ҳомилалик чоғда Хивага кўчиб келади. Бироқ, улар ҳали шаҳарга етмай, хотини тўлғоқ тутиб, шаҳар четидаги

¹Юқорда зикр қилинган китобнинг 170-бетига қаралсин.

бир уйда кўзи ёриydi. Бу ҳодиса 645-ҳижра милодий ҳисоби билан 1247-йилда эди¹. Болага Маҳмуд деб ном қўядилар. Маҳмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват, паҳлавон бўлиб етишади. У Хоразмнинг кўп шаҳарларига, ҳатто Ҳиндистонга бориб курашади, лекин ҳеч ерда енгилмайди, бутун умри елкаси ерга тегмай, мамлакатнинг биринчи паҳлавони бўлиб қолади. Шундай қилиб, халқ Маҳмудга «Паҳлавон» лақаби бериб, уни «Паҳлавон Маҳмуд», «Паҳлавон ота» деб юритадилар.

Бироқ, паҳлавонлик Маҳмуднинг асосий касби эмас, унинг асли касби пўстиндўзлик, телпақдўзлик бўлган. Маҳмуд бу ҳунарда ҳам зўр маҳорат касб этган, унинг жуда кўп шогирд ва халфалари бўлган. Паҳлавон ҳижрий 726-йилда, милодий ҳисоби билан 1326 йилда вафот этганда, унинг васиятига амал қилиб, шогирдлари Паҳлавон Маҳмуднинг жасадини ўзининг пўстиндўзлик корхонаси доирасига дафн этганлар, мақбара ҳам ана шу қабр устида барпо этилган.

Манокибда ҳикоя қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонда экан чоғида ҳиндлар тарафини олиб урушга қатнашади. Ҳиндистон подшоҳи Рай Ропой Чўнаини ўлимдан қутқазади. Мана шундан кейин Ҳиндистон подшоҳи мамнун бўлиб, Паҳлавонга қараб: «Тила тилагини» дейди. Паҳлавон мону дунё, олтин, кумуш талаб қилмай, бир вақтлар Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод қилишни илтимос этади. Ҳиндистон подшоҳи Паҳлавон Маҳмуднинг илтимосини бажо келти-

¹Виктор Виткович «Совет Ўзбекистонига саёҳат» номли асарига Паҳлавон Маҳмудни XV аср кишиси, «Навойнинг яқин дўсти» деб хато қилган. Паҳлавон Маҳмуд 1326 йилда ўлган. Навоий эса, орадан 115 йил ўтгач, 1441 йилда туғилган. Демак, бу икки шахснинг ҳамаср ва «яқин дўст» бўлиши мумкин эмас.

Навойнинг хоразмлик ҳамасри, дўсти Паҳлавон Маҳмуд эмас Паҳлавон Муҳаммаддир. Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» номли асари ҳам бор. (Т. Ж.)

риб, хоразмлик тутқунларни озод этади, йўл харажатларини бериб, Хоразмга қайгаради.

Маноқибда ҳикоя қилинишича, Паҳлавон Маҳмуд Хива яқинида Чингизхонга қарши урушда ҳалок бўлган паҳлавонлар қабри устида мақбара барпо этган ва бу мақбаранинг вайроналари ҳанузгача сақланади.

Юқорида қайд этилган маълумотлар Паҳлавон Маҳмуднинг ижтимоий қиёфасини равшан кўрсатиб туради. Хоразм асирларини озод қилмоқ, ватан учун курашда жон фидо қилганлар гўри устида мақбара барпо этмоқ— бу илғор одам, ватанпарвар сиймосини кўрсатади.

Соғлом тапда—соғлом ақл, деган гап Паҳлавон Маҳмуд сиймосида тўла ифодасини топган. Паҳлавон Маҳмуднинг зако ва истеъдоди, тафаккур кучи унинг жисмоний қудратидан кам эмас. Ҳақиқий шоир ва мутафаккир учун ўз мушоҳадаларидан хулоса чиқармоқ, уни бирор шаклда баён этмоқ табиий зарурат бўлиб қолади. Шарқда кўп мутафаккирлар ўзларининг фалсафий фикрларини баён қилмоқ учун шеърятдан фойдаланганлар. Бу ҳақиқатни Хайём, Навоий, Бедил ва бизнинг мавзу баҳсимиз Паҳлавон Маҳмуд ижоди мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, Хайём бутун адабий фаолияти давомида фақат рубоий жанрида асар ёзди ва рубоий жанрининг тематик доирасини белгилаб берди: ҳаёт ва коинотнинг моҳияти ҳақида фикр юритиш, хушчақчақ ҳаётнинг символи тарзида май ва маҳбубани куйлаш, шайх ва зоҳидларни масхаралаш, диний-идеалистик фалсафага қарши чиқиб материалистик фалсафий фикрларни дадиллик билан олға суртиш—рубоий жанрининг асосий хислати бўлиб қолди.

Паҳлавон Маҳмуд шеърятда ҳам, фалсафада ҳам Хайёмнинг заковатли давомчисидир. Форс адабиётида Хайёмдан сўнг фақат рубоий ёзган бошқа бир шоир йўқ. Бу ҳол туркий халқлар адабиётида ҳам кўринмай-

ди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бобир ва бошқа кўп шоирлар рубоийда ўз кучларини синаяб кўргани бўлсалар-да, бу жанр, уларнинг ижодида асосий ўрин тутмаган. Паҳлавон Маҳмуд эса, бутун умри форс-тожик тилида рубоий ёзган. Шундай қилиб, Паҳлавон Маҳмуд Хайёмнинг фалсафий ва бадийй ғояларини ривожлантирган, унга ўз асри руҳини берган. Бу—хайёмшуносликда ҳам, ўзбек ва тожик адабиёти тарихида ҳам муҳим янгиликдир.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, Паҳлавон Маҳмуд Хайёмнинг оддий тақлидчиси эмас, аксинча, у ўзининг заковат ва истеъдоди, мушоҳада кучи жиҳатидан Хоразм Хайёмидир. Шарқ адабиётида теран мазмунли, нафис ва ўйноқи рубоийларни «хайёмона» деб аташ одат бўлиб кетган. Шу маънидан чиқиб баҳо берганда, Паҳлавон Маҳмуднинг санъаткорона рубоийлари ҳаммаси ҳам ҳаёёмонадир. Бу рубоийлар ёнма-ён турганда, қайси бири Хайёмники-ю, қайси бири Паҳлавон Маҳмудники эканини фарқ қилиш қийин.

Хоразм руҳонийлари Паҳлавон Маҳмудни «авлиё» деб кўкка кўтарганлар. Маҳмуднинг таржиман ҳоли унинг ҳалол бир меҳнаткаш эканини кўрсатгандек, ажойиб рубоийлари ҳам Паҳлавонни «авлиё» эмас, илғор, равшан фикрли файласуф бир зот эканини очиқ ифода-лаб беради. Мана бу рубоийни ўқиб мазмунига ўзингиз зеҳи солинг: ахир, бу сўзларни айтишга журъат этган кимса қандай «авлиё» бўлсин?

Кел кўнгул, мен ахтарай жононани,
Кўча-кўю ҳар эшик, ҳар хонани.
Масту майхўрмиз мудом Хайёмсифат,
Дўзах этгаймиш қабул мастонани.

Бундай фикрларни айтишга журъат этган кимсалар-ни руҳонийлар «шаккок», «йўлдан озган» деб атардилар.

Таажжубки, Хоразмнинг бу эркин фикрли шаккок шонри «авлиё» даражасига кўтарилибди!

Маҳмуд Паҳлавоннинг бошқа бир рубойисини олиб кўрайлик. Бу рубойи шоирнинг «авлиёлар» мазорини зиёрат қилиб, «авлиёлик» даъво қиладиган ҳожилар устидан чиқарган ҳукмидир:

Бу ҳожики аввал эди бир илон,
Ҳаждан келиб, аждар бўлди беомон,
Ҳарам-парам деса асло алданманг,
Уйинг куйгур, ўзи асли бенмон.

Маълумки, авлиёлар, зоҳидлар бу «фоний» дунёнинг лаззатларидан воз кечиб, риёзатга майл кўрсатадилар, «муқаддас» зиёратгоҳларни тавоф этиб, ўзларининг гуноҳларига—журму исёнларига мағфират тилаб, тарки дунё қиладилар, узлатга чекинадилар.

Паҳлавон Маҳмудда бундай майл кўринмайди, аксинча, у, даҳрий Хайёмдек ҳатто дўзахга мастона қадам қўймоқчи. Буми авлиёлик? Ҳожилар ҳаждан қайтгач, хонаи Каъба зиёрати шарофатидан ўзларини салкам авлиё деб юрардилар, турли сафсаталар сотиб, халқни гумроҳ этардилар. Паҳлавон Маҳмуд эса, бу мазорфуруш ҳожилардан қаттиқ нафрат қилади, ҳожининг: «ҳарам-парам деган гапларига алданманг», деб халқни огоҳлантиради. Буми авлиёлик?

Бу ерда табний бир савол туғилади: нега руҳонийлар Маҳмуд Паҳлавонни «авлиёлар» сафига қўшиб қўйдилар? Бу шунчаки, бир гумроҳлик, нодонликми? Йўқ, бундай эмас. Руҳонийлар ёлғиз Паҳлавон Маҳмудни эмас, машҳур шоирлардан Қамол Хўжандий, Машрабни ва Ҳувайдои ҳам «авлиёлар» қаторига қўшиб, уларнинг ҳам мақбараларини зиёратгоҳга айлантирган эдилар. Хўш, нега руҳоний табақага шоирларни «авлиё» деб эълон қилиш зарур бўлиб қолди?

Маълумки, улуғ санъаткорларнинг зўр нуфузи —

катта обрўси бор. Риёкор шайхлар, мунофиқ зоҳидлар ва умуман руҳоний табақа шоирларга «авлиё» лақабини тақиб, уларнинг обрўларидан фойдаланиб келганлар: шу йўл билан ўз мавқеларини мустаҳкамлашга уринганлар. Аслида эса, на Паҳлавон Маҳмуд, на Қамол Хўжандий ва на Ҳувайдо, на Машраб «авлиё» бўлган эмас!

Паҳлавон Маҳмуд ўз асрининг донишманди эди, у ўзининг узоқ умри давомида ҳаётни мушоҳада этиб, тўғри хулосалар чиқарган, бу ҳол унинг рубойларида ёрқин акс этиб, уларни ҳикматли сўзлар даражасига кўтарган. Мана шулардан бири:

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга юқмас асло чангу гард,
Қулоқ солгин Пурёйвалий сўзига,
Қўрқоқлардан бирон чиққанмиди мард!

Рост айтади бу улуғ донишманд, ёмон одамдан фақат ёмонлик, ёвузлик кутиш мумкин, мардликка, валломатликка, эзгуликка у қобил эмас!

Паҳлавон Маҳмуднинг нодонлардан, жоҳиллардан нафрати шу қадар зўрки, уни шоирнинг ўз тили билан айтмасдан бошқача таъбир билан тушунтириш имкони дан хориждир. Мана у нима дейди:

Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.

Умар Хайёмнинг кўза ва кўзагар мавзуидаги рубойлари кўтобхон омманинг хотирида, албатта. Хайём бу мавзудаги рубойларидан бир томондан, материянинг абадийлигини тасдиқлар, иккинчи томондан, кўзагар образи орқали яратувчига — тангрига киноя қилиб,

бизни-ку лойдан ўзинг яратдинг, агар ёмон бўлсак — айб кимда, яхши бўлсак синдиришинг боиси нима, деб кулади.

Паҳлавон Маҳмуд ҳам шу мавзуда баҳс очиб, материянинг абадийлигини тасдиқлайди. Лекин Хайём билан Маҳмуд Паҳлавоннинг бу масалага муносабатида андак фарқ бор. Хайём одамнинг туғилиши, ўлиши, унинг тупроққа айланиши, бу тупроқдан бир кун кулол кўза ясаши, бу кўзанинг яна синиб, тупроққа айланиши, бу тупроқдан гуллар — чечаклар униб чиқиши, хуллас, материянинг доимий ҳаракатда бўлишига лоқайдроқ — бепарвороқ қарайди, бунга унчалик куюнмайди, ачинмайди. Маҳмуд Паҳлавон эса, бу шум зарурат олдида изтиробга тушади, қақшайди. Шу жиҳатдан қуйидаги рубойларга зеҳн солиб кўринг:

Х а й ё м:

Лойни муштлаб турган анови кулол—
Қилсайди ақл ила чуқурроқ ҳаёл,
Ҳеч қачон бунчалик тепкиламасди
Ота тупроғидан ясаркан сопол.

(Ш. Шомухамедов таржимаси)

П а ҳ л а в о н М а ҳ м у д:

Гуркираган олов—диллим йўлдоши,
Тўлқин урган дарё—кўзларим ёши,
Кўзагарлар ясаётган ҳар кўза—
Кўҳна дўстлар хокн—қўли ё боши.

Бу рубойларда гап, ҳозирча, инсон закосида қудратлироқ бир куч — ўлим ва унинг мантиқи оқибати устида боради. Хайём бу табий оқимга таассуф аралаш табассум билан қарайди. Паҳлавон эса, бу мудҳиш оқибатни ўйлаганда ларзага тушади. Бунинг сабаби шунки, ўлим каби табий заруратга Хайём соф фалсафий

жиҳатдан ёндошган, Паҳлавон Маҳмуд эса, бу аччиқ ҳақиқатнинг ҳиссий — лирик жиҳатига кўпроқ эътибор берган.

Паҳлавон Маҳмуднинг муҳаббат мавзуидаги рубойларини олиб кўрайлик. Паҳлавоннинг ишқ мавзуидаги рубойлари фикрнинг равшанлиги, мазмуннинг теранлиги, маҳбубга муносабатнинг самимийлиги, лирик қаҳрамоннинг маъшуқа ризоси учун ҳар қандай фидо-корликка ҳозирлиги, образларнинг ранг-бараңглиги, хулосаларнинг фавқулодда ва кутилмаганлиги билан кинини ҳайратда қолдиради. Чунончи:

На чораки маломатдур ватаним,
Ишқ ўлдирди, севги менинг кафаним.
Жаннат боғларида сен ўтир, зоҳид,
Мен—маст булбул, дўзах менинг чаманим.

Сўрагни, гўзалим, керак бўлса жон,
Жон эмас, сўрагни ҳаттоки имон.
Фақат яқинроқ кел, қилма нитизор,
Сен ҳарна истасанг бергум бегумон.

Деди ёрим: «Яна нима ғамнинг бор?
Хаёлниг банд этди қайси гўзал ёр?»
Қўлларига бериб ойна, дедимки:

Кимнинг аксини кўрсанг—шу менга дилдор.

Муҳаббат мавзуидаги ғазалларда, рубойларда, ҳатто баъзи дostonларда «ёр», «дўст», «маъшуқа», «маҳбуба», «жонона» сўзлари турли маъноларда келади. Сўфиёна шеърларда бу сўзлар «худо» маъносида ишлатилади. Бобир бу сўзларни диёр — ватан маъносида қўллайди. Машҳур форс-тожик шоири Лоҳутий бу сўзларни ватан, озодлик, инқилоб ва идеал маъносида ишлатади. Абулқосим Лоҳутийнинг қуйидаги ажойиб рубойида бу ҳақиқат жуда равшан ифодасини топган:

Ошиқнингман, ишқнинг меним имоним,
Борлигимнинг моҳияти жононим,

Садқа бўлсин сенга ҳар неки борим,
Сен маъшуқам—инқилобим, Эроним.

Умар Хайём, Паҳлавон Маҳмуд, Навоий ва Ғузулий каби улуғ санъаткорларда «ёр», «дўст», «маҳбуба», «маъшуқа», «жонона» каби сўзлар кўпинча, коинотнинг латофатига рамз — символ бўлиб келади. Зотан, санъатда инъикос этган нафосат коинотдаги барча гўзалликларнинг жамулжами, мужассам тимсолидир. Мана шу олий гўзаллик бир шоирга соҳибжамол ёр, бирига гўзал диёр, бошқасига инсон истагининг арши аълоси — гоёларнинг чўққиси бўлиб кўринади-да, нафис бир табассум билан ҳаммани ўзига имлайди. Йўқ, имламайди, ижодга, курашга, камол топишга даъват қилади.

Паҳлавон Маҳмуднинг назар-эътиборидан молпараст, дунёпараст, бошқача айтганда, олтин-кумуш бандалари ҳам четда қолмаган Мол-дунёга, олтин-кумушга сажда қилувчи бу тоифа: «ема, ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил», шiori остида иш кўрадилар. Бу тоифа бой бўлади, лекин гадодан баттар кун кечиради. Улар бойлигини боласидан аяйди. Маҳмуд Паҳлавон ана шу тоифа устидан истеҳзо қилиб бундай дейди:

Эй хожа, сен нечун бунча беҳабар,
Хаёлингда кеча-кундуз кумуш, зар,
Дастмойянг-ку бу оламда бир кафан,
Буюрганми сенга кафан, ким айтар?

Паҳлавон Маҳмуд Чингизнинг қонли юришлари натижасида мамлакатга етказилган оғир жароҳатлар ҳали битмаган бир даврда яшади. Бу давр Урта Осиё ва айниқса, Хоразм тарихининг энг оғир даври эди. Паҳлавон Маҳмуд ватан бошига тушган бу сонсиз-саноқсиз балолар, тўфонларнинг шоҳиди бўлди. Шоир мана шу тарихий бахтсизликларни бир рубойга сиғдириб, ўз асрининг ажойиб реалистик лавҳасини чизиб берган:

Давронда кўп кўзини мен гирён кўрдим,
Неки бало бўлса беомон кўрдим,
Нуҳ минг йил яшади, кўрди бир тўфон.
Мен Нуҳ бўлмасам ҳам минг тўфон кўрдим

Биз Паҳлавон Маҳмуд рубойларидан бир неча мисоллар келтирдик, холос. Лекин, зийрак ўқувчилар бунда қатрада денгиз акс этганини ҳис этадилар, деб ишонамиз.

* * *

Паҳлавон Маҳмуднинг номига ҳамиша бир-икки лақаб тиркаб айтилади. Уни Хоразмда: «Паҳлавон Маҳмуд», «Полвонпир» десалар, тарих ва тазкира китобларида «Ҳазрат Паҳлавон», «Маҳмуд Пирёрвали», «Маҳмуд Пурёйвалий» деб тилга олинади. «Оташкада» ва «Қомусул аълom»да эса, Паҳлавон Маҳмудни жанговар, жангжўй, ҳарбий, урушқоқ маъносига «Қитоли» лақаби билан тилга оладилар.

«Мажолисул-ушшоқ» тазкирасида келтирилган бир ғазалида Паҳлавон Маҳмуд «Қитоли» лақабини ҳам тахаллус ўрнида ишлатган. Чунончи:

Дасте намерасад чу Қитоли ба зулфи ёр
Қувват зи по—у зўр бозу ниҳодаем¹.

Баъзи тазкирачилар Пирёр Вали шоирнинг отасининг номи деб даъво қилса (масалан, Шамсиддин Соми), бошқалар Пирёр Вали шоирнинг тахаллуси деган фикр-ни олға сурадилар (масалан, Виктор Виткович).

Аслида бу даъволарнинг ҳар иккиси ҳам хато.

¹ «Мажолисул ушшоқ», 271—278-бетлар, ЎзФА Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, ин. № 13787.

«Чароғи ҳидоят» луғатида: «Пурёйвалий—пахлавонлар пирига бериладиган лақаб» дейилади¹.

Маҳмуд эса, Урта Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда елкаси ерга тегмаган биринчи даражадаги паҳлавон эканини юқорида қайд қилган эдик. Шунинг учун паҳлавонлар паҳлавони, паҳлавонлар пири маъносида Пурёйвалий лақаби дастлаб хоразмлик Паҳлавон Маҳмудга берилган. «Ғиёсул луғат»нинг қуйидаги сўзлари ҳам бу фикрни тўла тасдиқлайди:

«Пурёйвалий Маҳмуд Хоразмийнинг лақаби. Баъзан бу сўз мажозий маънода зўрхона (пахлавонхона) бошлиғи бўлган кекса паҳлавонларга ҳам нисбат берилди».²

Мана шу асосларга биноан биз Маҳмуднинг паҳлавонлик лақабини бу кунгача ёзиб келгандек Пирёр Вали шаклида эмас, Пурёйвалий шаклида ёзишни маъқул кўрдик.

Котиблар рубойларни кўчирганда жуда кўп хатога йўл қўйганлар. Натижада бир мисрада вазн бузилган бўлса, бошқасида маъно тамомила ўзгариб кетган. Форс адабиёти мутахассисларидан дўстим Мунирхон Муинзода билан бақамти котибларнинг муқаррар хатоларини топиб тузатдик. Бизнинг бу хизматимиз нимадан нборат эканини қуйидаги мисолларда аннқ кўришингиз мумкин:

Қўлёзмада:

1. Бо кеш писари ки дилбариро шояд

Тузатилгани:

Бо хуш писаре ки дилбариро шояд

¹«Ғиёсул-луғат»нинг 100 ва 577- саҳифаларига қаралсин. Қампур, Раззоқий матбааси, ҳижрий 1323 йил.

²«Ғиёсул-луғат»нинг 100 ва 577- саҳифаларига қаралсин. Қампур, Раззоқий матбааси, ҳижрий 1323 йил.

Қўлёзмада:

2. Гар тарки видоъ кардаем маъзурам

Тузатилгани:

Гар тарки видоъ кардаам маъзурам

Қўлёзмада:

3. Май нўш бенишон баса хоҳад мурд.

Тузатилгани:

Май нўшки бенишон баса хоҳад мурд

Қўлёзмада:

4. Э дил то ғами ишқ таманно карди

Тузатилгани:

Э дил чу ғами ишқ таманно карди,

Қўлёзмада:

5. Он зарраки ҳисоб нояд ном

Тузатилгани:

Он зарраки дар ҳисоб нояд ном.

Қўлёзмада:

6. Бо бад биниши бош бегонаи у

Тузатилгани:

Бо бад манишину бош бегонаи у

Қўлёзмада:

7. Дарёйн талаб жумла бару баста бувад

Тузатилгани:

Дарҳойн талаб жумла барў баста бувад

Қўлёзмада:

8. Душанба бурд бор душам буд

Тузатилгани:

Душинаки бар дарғаҳи ту душам буд

Қўлёзмада:

9. Дар роҳ нигарки роҳ чуан рафтаид

Тузатилгани:

Дар роҳ нигарки роҳ бинон рафтаид.

Қўлёзмада:

10. Расместки дар вафо бани одам нест

Тузатилгани:

Расмест вафоки дар бани одам нест.

Қўлёзмада:

11. Ман Нуҳн ним ҳазор тўфон дидам

Тузатилгани:

Ман Нуҳ наям, ҳазор тўфон дндам.

Бошқа тузатишлар ҳам худди шу руҳда бўлиб, рубойларнинг котиблар вайрон этган вазнини, мазмунини бир даражада тикладик, деб ўйлаймиз.

Биз «Рубоиёти ҳазрати Паҳлавон» номи билан юритилган беш қўлёзма нусхани кўздан кечириб, шулардан эллик етти рубойини танлаб, таржима қилдик. Айрим нусхаларда уч юздан ортиқ рубойлар бор-ку, нега биз кўпроқ олмадик? Бунинг сабаби шуки, ҳамма нусхаларга бошқа шоирларнинг рубойлари кириб қолган. Қандайдир масъулиятсиз котиб сўраб-суриштирмай, қўлга тушган ёки эшитган ҳар бир рубойини Паҳлавон Маҳмудга нисбат бериб кўчира берган. Натижада, «Ҳазрати Паҳлавон рубойлари» номли қўлёзмалар турли маслак ва ҳар хил савиядаги шоирларнинг муштарак рубой тўплами бўлиб қолган.

Хоразмликлар асрлар давомида Паҳлавон Маҳмудни «авлиё» деб юрганлари учун бўлса керак, котиблар ҳам нуқул сўфиёна рубойларни унга нисбат бериб тўпламга кирита берганлар. Бунинг устига биз кўриб чиққан қўлёзмалар ҳаммаси ҳам XIX—XX асрда кўчирилган. Агар булар орасида бирорта эски-мўътабар нусха бўлганда, Паҳлавон Маҳмуд рубойларини ажратиш энгилроқ бўларди. Афсуски, ҳозирча эски нусхалар топилгани йўқ. Шунингдек, «Оташкада» ва «Қомусул аълом»да тилга олинган «Қанзул ҳақойиқ» номли маснавийни ҳам топиш бизга насиб бўлмади.

Биз, Паҳлавон Маҳмудга нисбат бериб, бошқа шоирларнинг асарларини нашр этиб қўймайлик, деган анди-

ша билан рубойларни мумкин қадар синчиклаб текширдик, турли шоирларнинг рубойлари қоришиб кетган бу шубҳали нусхаларни қайта-қайта ўқиб, Паҳлавон Маҳмуднинг соғлом, мағрур овозини фарқ этишга ҳаракат қилдик. Биз таилаган рубойлардаги руҳий тетиклик, фикрий тераилик уларни бошқа рубойлардан ажратиб туради. Айрим рубойларга эса шоир: «Бишнава сухани Маҳмуд Пурёйвалий» деб, ўз номи билан муҳр босиб қўйган.

Шоирнинг номи зикр қилинган рубойларнинг руҳига қараб, биз шу қалбнинг садосини, шу руҳнинг туғинини ўқувчига етказишга ҳаракат қилдик.

*Хива — Тошкент
1960 йил*



МАРДЛИҚ ВА ОДАМИЙЛИҚ ТАРОНАЛАРИ

Учинчи нашрига сўзбоши

I

Субҳидам пайти кимдир кўча эшигини қоқди, бу декабрь ойининг аёз тоиги эди. «Ҳозир» дедим-да, наридан-бери кийиниб ташқарига чиқдим. Чиқдим, ҳайрон бўлиб қолдим. Эшигимиз олдида Хоразм область прокурори Рустам Муҳамедов турарди.

Мен меҳмонни дарҳол иссиқ уйга бошлаб кирдим, пальтони ечиб, бемалол ёзилиб ўтиришни таклиф қилдим. Аммо, меҳмон узр айтди:

— Домла, мен сизга Хоразмдан совға олиб келдим. Шу нарсани сизга топшириб, иккинчи самолётда кайтишим шарт, чунки кечки пайт обкомда мажлис бўлади.

Демак ҳеч қандай эътирозга ўрни йўқ.

Биз ошиғич равишда совғани очиб кўрдик. Бу—биз зориқиб, истаб юрган Паҳлавон Маҳмуднинг рубойлари мажмуаси эди.

Мен камоли қувонганимдан меҳмонни қучоқлаб ўпдим, ваъдага вафолари, олижанобликлари, маданиятимиз тарихига бўлган чексиз эҳтиромлари учун Мадраҳим Раҳмонов ва Рустам Муҳамедовларга қайта-қайта ташаккур айтдим. *

Меҳмон хайр-хўш қилиб кетгандан сўнг, мен ифтихор билан ўйлардим: «Ажабо, партия ва давлат арбоблари, ҳатто адлия ходимлари ҳам адабиёт, шеърят хизматида, бу қандай гўзал-а!»

Мадраҳим Раҳмонов ким дейсизми? Воқеа мана бундай:

Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги асаримни кенгайтириб, уни қайта нашр этиш менинг ўн йиллик орзум. Бу—янги тадқиқотлар ўтказиш, шоирнинг бошқа асарларини топиш, уларни форсчадан ўзбекчага таржима қилиб, шарҳу баён этиш демакдир.

Шу мақсадда 1974 йил 23 сентябрда Ёзувчилар Союзидан ижодий командировка олиб, Хивага жўнадим. Таассуфки, Хива зиёратидан мурод ҳосил бўлмади. Хивадан бирор янги нарса топмадимгина эмас, борлари ҳам музейдан йўқолганини эшитиб қаттиқ ранжидим. Хуллас, Хивадан хуноб бўлиб Урганчга қайтдим.

Урганчда эски қадрдонимиз, область прокурори, ҳуқуқшунослик фанлари кандидати муҳтарам Рустам Муҳамедов хонадонида меҳмон бўлдик. Кечқурун дарстурхон атрофида уч киши ўтирардик: мен, мезбон ва Хоразм областининг масъул ходимларидан Мадраҳим Раҳмонов.

Тўсатдан келган меҳмонга: «Қандай шамол учирди?»—каби савол бериш одати бор.

Мен сафарим сабабини айтиб, Хива музейидан Паҳлавон Маҳмуд рубойларининг шоир Фируз кўчирган энг нодир нусхаси йўқолганини ҳасрат-надомат билан нақл қилдим.

Эшитганлар жуда хафа бўлишди, хафа бўлишдан эмас, бир оз хижолат чекишди. Ахир, оталаримиз олти юз йил асраган дурдоналарни бугун музейдан ғойиб бўлиши ҳазил жиноят эмас-да! Ажабо, қайси муртад, қайси малъун бу қабиҳ ишга қўл урди экан?

Мадраҳим Раҳмонов узоқ йиллар обкомнинг биринчи секретари, область ижроия комитетининг раиси ла-

возимида ишлаган, кўпни кўрган вазмин, камтарин киши эканлар. Мана шу киши менга тасалли бериб бундай дедилар:

— Хафа бўлманг, домла. Эзгу ният билан сафарга чиқибсиз. Сизни ноумид қилиб қўймаймиз. Паҳлавон рубойларининг бир нусхаси менда ҳам бор. Аммо яқинда уни бир қариндошимиз Шовотга олиб кетган эди. Ҳозир пахта терим кампанияси, ҳаммамиз шу иш билан бандмиз. Сал қўл бўшаса, дарҳол уни олиб келамиз, бироқ сизга қандай етказиб беришни билмай турибман.

Гап шу ерга келганда мезбонимиз Рустам Муҳамедов сергакланиб:

— Агар сиз китобни менга келтириб берсангиз, мен дарров Тошкентга бориб, уни домланинг ўз қўлларига топшириб келаман,—деб илтифот қилдилар.

Бу фикр ҳаммамизга мақбул тушди, учовлон шунга қарор қилдик.

Рустам Муҳамедовнинг Урганчдан китоб кўтариб Тошкентга келишдан мақсади шу ваъдага вафо қилиш эди.

Ўртоқ Раҳмонов бериб юборган нусха олтмиш уч саҳифадан иборат бўлиб, уни 1944 йилда Ҳасанмурод Қори кўчирган, аммо қайси манбадан олингани кўрсатилмаган. Ушбу мажмуада форс-тожик тилида ёзилган уч юз ўн тўрт рубой бор.

Мен бу тўпламни олиб, Андижонга равона бўлдим. Муродим андижонлик дўстларим Имоиддин Қосимов (Улфат) ва Омонулло Валихонов (Боқир) билан бақамти Паҳлавон Маҳмуд рубойларини синчиклаб ўрганиш, уларнинг энг нафис ва мумтозларини танлаб олиш эди. Гап шундаки, Боқир ва Улфат форс тилинигина эмас, форс классик адабиётини ҳам жуда яхши билишади. Назаримда, биз учовлон бирга бўлсак, ҳар қандай нозик нуктани ечишимиз, ҳар бир маъно товланишини пайқашимиз осон кўринади.

Худди шундай бўлди. Ун кун давомида (ҳар кун эрта соат 8 дан соат 2 гача) Ҳазрат Паҳлавон рубойларини синчиклаб ўқиб чиқдик. Шу жараёнда котиб йўл қўйган муқаррар хатоларни топиб тузатдик. Бадний баркамол рубойларни алоҳида дафтарга кўчирдик. Ана шундай тайёргарликдан сўнг таржимага киришдик.

Машҳур рус шоири Жуковскийнинг таржима санъати ҳақида ажиб фикри бор: «Прозада,—дейди Жуковский,—таржимон авторнинг қули, поэзияда шоирнинг ҳамкоридир». Биз учовлон Ҳазрат Паҳлавонга муносиб ҳамкорлар бўлдикми-йўқми, бу жиҳати биздан кўра муҳтарам ўқувчиларга аёндыр.

II

Паҳлавон Маҳмуд рубойларини ўқиган киши ўзини қандайдир маънавий покиза, руҳий тетик ва улуғвор ҳис этади, чунки бу рубойларда шу руҳ сингдириб юборилган.

Хўш, бу қудратли руҳнинг сарчашмаси қаерда? Бу Паҳлавон Маҳмуднинг шахсий эътиқодлари ифодасими ёхуд бирор табақа, гуруҳнинг ғоявий дастурими?

Кўҳна манбалар, жумладан Фаридиддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» китобида айтилишича, бу покиза руҳ тарихда футувват ёки жувонмардлик номи билан машҳур бир оқимнинг, бир ижтимоий табақанинг дастуриламалидир.

Жувонмардлар халққа беминнат хизмат қилиб, муздини ҳақдан талаб қилиш шоири остида иш тутганлар.

Эрон олимларидан Саид Нафисий «Сарчашмаи тасаввуф дар Эрон» номли асарига: «Футувват—жувонмардлик гуруҳининг улуғ пешволаридан бири машҳур шоир Паҳлавон Маҳмуд Хоразмийдир»,—деб таъкидлайди. Шу олимнинг уқтиришича, Урта Осиёнинг довжюрак исёнкорлари—сарбадорлар ҳам жувонмардлар гуруҳига мансуб бўлганлар.

XIII—XIV асрларнинг бир даража уюшган меҳнаткаш табақаси, шубҳасиз, шаҳар ҳунарманд-косиблари эди. Булар темирчилар, қуролсозлар, мисгарлар, дурадгорлар, кўнчилар, мўйнадўзлар, тўқувчилар, тикувчилар ва меъморлардан иборат катта куч эдилар. Жувонмардлар мана шу ҳунармандлар гуруҳининг жанговар намояналари сифатида майдонга чиқдилар. Араб ва мўғул босқинчиларининг вайронкорона ҳарбий юришлари азобини чеккан бу мазлум ўлка халқларининг тақдирга тан бериб кетишлари қанча ғайри-табiiй бўлса, шу элнинг ўктам ўғлонлари орасида жувонмардлик, сарбадорлик ҳаракатининг пайдо бўлиши шунчалик табiiйдыр.

Жувонмардлар гуруҳининг ҳаёт принциплари мардлик ва унинг безаги: марҳамат, шафқат, мурувват, саховат ва олижаноблик асосига қурилган. Жувонмардлар элга хизмат қилишни, афтодаларга дастгир бўлишни, муҳтожларга марҳамату заифларни ҳимоя қилишни ўзлари учун шараф деб билганлар.

Профессор Ё. Э. Бертельс «Сўфизм ва сўфийлик адабиёти» номли китобида: «Футувват ҳунармандларнинг яширин ташкилоти»—деб атайди.

Еш олимларимиздан Ёқубжон Исҳоқов футувват—жувонмардлик ҳаракатидан баҳс этиб: «Ҳунармандлар гуруҳининг илғор қарашлари ва интилишларини ифодалаган бу йўналиш ўша даврдаги илғор кучларнинг маълум қисми учун маънавий замин бўлган»—дейди.

Паҳлавон Маҳмуд футувват—жувонмардлик ҳаракатининг ташкилотчисигина эмас, унинг маънавий раҳнамоси эди. Шоирнинг мардлик ва олижаноблик руҳидаги рубойлари шундан далолат бериб турибди:

Олам фили қайтаролмас журъатимиз,
Чархдан зўрроқ қудратимиз, шавкатимиз,
Гар чумоли кириб қолса сафимизга—
Шер этажак уни дарҳол давлатимиз,

Ўз нафсинга бўлгин амир, шунда мардсан,
Ўзгаларга бўлма ҳақир, шунда мардсан,—
Инқилганин тепиб ўтиш мардлик эмас,
Афтодага бўлсанг дастгир, шунда мардсан.

Устоз Навоий ҳам бу борада ғоят порлоқ бир
айтганлар, табаррук учун шу байтни келтираман:

Мурувват барча бермоқдур, емоқ йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демоқ йўқ.

III

Паҳлавон Маҳмуд тасаввуф тариқатининг ваҳдатул
мавжуд (пантеизм) оқимиға мансуб файласуфлардан
эди. Агар дин пешволари, худо ломакон, унинг шаклу
шамойили йўқ, дейишса, бу файласуфлар бутун табиат-
ни илоҳийлаштириб, худонинг дийдорини коинотдаги
барча мавжудодда кўришади. Инсон тафаккуридаги бу
жараёни немис файласуфи Фейербах: «идеализмдаги
материализм»,—деб атайди.

Энди Паҳлавон Маҳмуднинг пантеизм руҳи билан
суғорилган қуйидаги рубойларига зеҳн солиб кўринг:

Жаҳон чеҳра—рангу рўйи ўзингсан,
Ақл дарё—унинг суйи ўзингсан,
Гул баргида шабнамдайини ўтирма,
Бу боғчанинг рангу бўйи ўзингсан.

Гул ёғади юзларингдан субҳивор,
Гул ёғади хулқингдан ҳам чун баҳор,
Лаҳза сари рангга тўлиб бу олам—
Гул ёғади чеҳра очиб бу рўзгор.

Шариат пешволари мўминларга у дунёда жаннат
ваъда қилиб, осийю жофийларни дўзах азоблари билан
қўрқитишади. Ваҳдатул мавжуд файласуфлари эса, бу

ғапларга зоҳид сафсатаси деб қарайдилар, инсон ва
унинг ақлий, ижодий имкониятларига юксак баҳо бе-
риб, худо инсоннинг қалбида, жаннату дўзах ҳам инсон
вужудида, у билан бир пўстда деб қарашади.

Шу мазмун адосида Ҳазрат Паҳлавоннинг қуйидаги
фарди ғоят ёрқин чиққан:

Беҳишту дўзахинг ўзинг-ла ҳампўст,
Ўзгадан қидириб нетарсан, эй дўст?

Паҳлавон Маҳмуд 79 йил умр кўрдн. (1247—1326).
Ўзининг баракали умри давомида шоир талай тарихий
воқеаларнинг шоҳиди бўлди, кўп кузатишлар, мушо-
ҳадалар ўтказди. Натижада унинг фалсафий қарашла-
рида ўзгариш рўй берди, у тадрижий равишда фалсафа-
нинг бир қутбидан иккинчи қутбига, яъни идеализмдан
материализм томон қадам ташлади. Шоир тафаккури-
даги бу ўзгаришни сиз қуйидаги рубойларда равшан
кўришингиз мумкин:

Дунё бинокори тузар қаср—айвон,
Тузиб бўлади-ю, қилади вайрон,
Фалакка етказиб бугун тоқини,
Эртага этади ер билан яксон.

Ерга аралашиб ётар неча дил,
Жаҳон зарралари—лаб, тиш ёки тил,
Ердан униб чиққан сунбул ё гулин
Гўзалларнинг сочи ё юзи дегил.

Паҳлавон Маҳмуд «жаҳон зарралари—лаб, тиш
ёки тил» деб ҳаракатдаги материяни кўзда тутмоқда,
демак, материянинг шакли ўзгарса ҳам моҳияти ўзгар-
майди, нобуд бўлмайди, вожибал вужуднинг, яъни пар-
вардигорнинг амру иродасидан ташқари мажудлиги-
ча қславеради.

Т. Жалолов
1975 йил



رباعیات

۱

یارب درخلاق تکیه گاهم نکنی
 محتاج وزیرو پادشاهم نکنی
 موی سیهم از کرمت گشته سفید
 باموی سفید روسیا هم نکنی

۲

بر روی گل از ابر نقاب است هنوز
 در طبع دلم میل شراب است هنوز
 در خواب مروچه جای خواب است هنوز
 جانامی خور که آفتاب است هنوز

۳

از روی توصیح و ار گل میبارد
 وزخلاق توجون بهار گل میبارد
 آن صبح شکفته که در عهد خوش است
 از چهره روزگار گل میبارد



РУБОИЙЛАР

1

Ўзгаларни менга такягоҳ қилма,
 Муҳтожи вазиру подшоҳ қилма.
 Карамингдан қора сочим оқарди,
 Оқ сочим-ла зору рӯсиёҳ қилма.

2

Гул юзнда булут ниқобдур ҳануз,
 Кўнгилларда майли шаробдур ҳануз,
 Ухламагини, рафлат вақтими ҳозир?
 Май ич жоно, зеро офтобдур ҳануз.

3

Гул ёғди юзларингдан субҳвор,
 Гул ёғди кулқингдан ҳам чун баҳор,
 Лаҳза сари рангга тўлиб бу олам—
 Гул ёғди чеҳра очиб бу рӯзгор¹.

¹Рӯзгор — Паҳлавон Маҳмуд бу сўзни олам, киниот маъносидан ишлатганлар. (Т. Ж.)

Жаҳон чеҳра—рангу рӯйи ўзингсан,
 Ақл дарё—унинг суви ўзингсан,
 Гул баргида шабнамдайини ўтирма,
 Бу боқчаннинг рангу бўйи ўзингсан.

Умриниз дарахтни паст қилма, рабби,
 Борлиқ шаробидан маст қилма, рабби,
 Ўзинг қарам бир-ла мард йиғитларини
 Ноқасларга зерндаст қилма, рабби.

Йироқдан қарасам лабинг пурҳанда,
 Озод эдим, тағин бўлибман банда.
 Озодликдан ҳар бир банда эрур шод
 Мен шундан шод—сенга бўлибман банда.

Дилим яна дилбар домнига тушди,
 Не дилбар, ситамгар домнига тушди,
 Бирининг бандидан қутулмай ҳануз,
 Бошқа парипайқар домнига тушди.

роئي است جهان كه رنگ آن روى تويى
 جوئي است خرد كه آب آن جوى تويى
 شاداب نشين چوشينم گل همه عمر
 كين باغچه را رنگ تويى بوى تويى

يارب تو درخت عمر ما پست مكن
 يارب ز شراب هستيم مست مكن
 يارب بكرم جمله جوانمر دانرا
 محتاج و پريشان و تيهي دست مكن

از دور بديدم لب پر خنده تو
 آزاد بودم باز شدم بنده تو
 هر بنده كه از ادشودشا دشود
 من شاد بر آنكه شدم بنده تو

اي دل بكمند دلبري افتادى
 در دام بت ستمگرى افتادى
 از قيد يكي خلاص ناكشته هنوز
 في الحال بدم ديگرى افتادى

از ياد تو دل زمان زمان، تازه شود
 آری ز نسیم گلستان تازه شود
 دیدار تو عید یست که از دیدن آن
 خاطر خوش و دل خرم و جان تازه شود

آن کسکه زمین و چرخ افلاک نهاد
 بس داغ که او بردل غمناک نهاد
 بسیار لب چو لعل، زلفین چو مشک
 در بطن زمین خطهء خاک نهاد

گل برکف و بانک شیشه در گوشت باد
 غمهای جهان جمله فراموش باد
 بانغمهء آبشار در سایهء ابر
 چند آنکه قدح نوش کنی نوشت باد

مائیم که از قیدالم آزادیم
 غم گرچه غذای ماست دائم شادیم
 هشیاری رانه رنگ دانم ونه بوی
 چون نرگس یارمست مادرزادیم

دوشینه بگریه صیقل سینه شدم
 آینه فروزدل بی کینه شدم
 اشکم اثرار کرد کدورت بگذاشت
 چندان بگر یستم که آینه شدم

Единг билан кўнглим ҳар замон тоза,
 Насим эсса бўлғай гулистон тоза,
 Дийдоринг фараҳбахш, уни кўрганда—
 Хотир жам, дил хуррам, танда жон тоза.

Ул қодирки арзу афлок яратди,
 Кўнгилда доғ, дилин ғамнок яратди,
 Мушкин зулфларин-ю, ёқут лабларини
 Ерга қориб, охирда хок яратди.

Қўлда гул, қулоқда шишадан овоз,
 Жаҳон ғамларини даф этар бу соз.
 Сув нағмаси-ю, булут соясида
 Қадаҳ тутсалар ич, қилмайини ҳеч ноз.

Аламлар қайдидан озодлар—бизлар,
 Ғам ризқимизу доим шодлар—бизлар.
 Хушёрлик не, ранги рўйини билмаймиз
 Ер кўзидек мастона зодлар—бизлар.

Йиғилардан бўлди беғубор сийна,
 Дилим ҳам кўзгудек бўлиб бекина,
 Кўз ёшим кудурат ғуборин ювиб,
 Соф бўлди қалбим ҳам мисли ойина.

دی طوطیء ما شکر مقالی میکرد
صد عشوه با بروی هلالی میکرد
کنج دهن از خنده نمیداد شکنج
جائی ز برای بوسه خالی میکرد

زلف تو که طعن برت چین میکرد
چشمت بکرشمه غارت دین میکرد
رخسار تو میدید خدا بر عرصات
بر قدرت خود هزار تحسین میکرد

از آمدنت اگر خبر داشتمی
در رهگذرت گل سخن کاشتمی
گر کاشتمی بدیده برداشتمی
خاک قدمت بر مژه بگذاشتمی

امروز بهای هیزم وعود یکیست
در مرتبه خلیل نمرود یکیست
در گوش کسانیکه زدولت مستند
آواز خرونگمهء داود یکیست

دل بهر تو صد تیغ ملامت خورده است
صد زخم ز تیغت به قیامت برده است
در عهد تو چون کسی سلامت طلبد
روزی که تو زاده ای سلامت مرده است

Маҳбубимнинг ширини мақоли яхши,
Ҳам серишва қоши—ҳилоли яхши.
Оғиз ганжини кулгидан ҳеч тиёлмас,
Бўса учун бўш жойи—холи яхши.

Зулфинг мудом таънаи санамн Чин,
Қўзинг карашмаси бир ғорати дин,
Аросатда худо кўрса руҳсоринг
Қудратига ўзи ўқир минг таҳсин.

Келишингдан воқиф бўлсам баногоҳ,
Гул экардим йўлларинга субҳигоҳ,
Шу гуллардан гулдасталар тутардим
Бу шарафдан маҳрум бўлибмен, эй воҳ.

Ҳайфокя баҳода ўтини уд бир¹
Ҳам мартабада Халилу Намруд бир²,
Давлатдан маст бўлган анқов наздида
Эшак овози-ю куйи Довуд бир³.

Дастингдан дилимда юз хил маломат,
Бу захм битмагай токи қиёмат,
Ким ҳам сендан умид қилар саломат?
Сен туғилган куни ўлган саломат.

¹Уд — музика асбоби, қимматбаҳо дарахт.

²Намруд — худоник даъво қилган эиг золим подшо.

